



**ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ**  
**БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ**  
**БУЙРУҒИ**

**Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги “Ижод” фондига ажратмалар тўлаш**  
**тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2010 йил 26 августдаги 7-ю/б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2139, 2010 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сон, 309-модда) билан тасдиқланган Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги “Ижод” фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

6-банддан “ва бюджетдан ташқари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

1-иловининг ўн учинчи хатбошисидаги “бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга” деган сўзлар “давлат мақсадли жамғармаларига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги “Ижод” фонди билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош директор**

**А. Юнусов**

Тошкент ш.,  
2014 йил 1 апрель,  
16-м/ҳ-сон